

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КИЛИЧЕВ АНВАР АКРАМОВИЧ

**ЎТКИР ИНФАРКТ МИОКАРД БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА ЧАП ҚОРИНЧА ДИАСТОЛИК ФУНКЦИЯСИНИНГ
КЛИНИК-ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Киличев Анвар Акрамович

Ўтқир инфаркт миокард билан касалланган беморларда
чап қоринча диастолик функциясининг
клиник-прогностик аҳамияти.....

3

Киличев Анвар Акрамович

Клинико-прогностическое значение диастолической
функции левого желудочка у больных с острым
инфарктом миокарда.....

24

Kilichev Anvar Akramovich

Clinical and prognostic value of diastolic
left ventricular function in patients with acute myocardial infarction.....

44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КИЛИЧЕВ АНВАР АКРАМОВИЧ

**ЎТКИР ИНФАРКТ МИОКАРД БИЛАН КАСАЛЛАНГАН
БЕМОРЛАРДА ЧАП ҚОРИНЧА ДИАСТОЛИК ФУНКЦИЯСИНИНГ
КЛИНИК-ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/ Tib31 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанов Равшанбек Давлатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оппонентлар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедова Барно Фарходовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тошкент врачлар малакасини ошириш
институтини**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел/факс: (+998 71) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштрилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел/факс: (+998 71) 234-16-67, e-mail: cardiocenter@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) бутун дунёда асосий ўлим сабабчиси бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолашича «... ЮҚТК дан йилига 17,9 миллион киши вафот этади, бу эса дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 30%ини ташкил қилади...»¹. Ҳозирги вақтда кардиологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) ҳисобланади. Йирик кўп марказли тадқиқотлар астойдил кўрсатишича, «ўткир юрак хуружларида умумий ўлим биринчи ойда 50% ни ташкил қилади ва ушбу ўлимларнинг ярми биринчи икки соат ичида рўй беради...»². Диастолик дисфункция миокард инфарктининг эрта муддатларида қайд қилинади, ва у деярли 60% ЎМИ беморларида кузатилади. Қатор тадқиқотлар кўрсатишича, диастолик дисфункцияли беморларда ЎМИ дан сўнг диастолик бузилишлари бўлмаган беморларга нисбатан башорат ёмон, диастолик баҳодан олинган прогностик маълумот систолик баҳодан олинган маълумотга боғлиқ эмас. Диастолик юрак етишмовчилигида йиллик ўлим 5-8% ни ташкил этади. Бу эса систолик юрак етишмовчилигидаги ўлим даражасига нисбатан анча пастдир. Айнан шунинг учун миокард инфаркти ўтказган беморларда диастолик дисфункциясининг терапевтик коррекцияси услублари фаол изланмоқда.

Жаҳонда ўткир миокард инфаркт билан хасталанган беморларда чап қоринча диастолик фаолиятининг клиник ва прогностик аҳамияти асослашнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўткир миокард инфарктни эрта ташхислашга ёндашувларни ишлаб чиқишда клиник-гемодинамик, юрак ремоделланиши, нейрогуморал кўрсаткичлар ва юрак диастолик функцияси ҳолати орасида ўзаро боғлиқлик муҳим ҳисобланади. Ўткир миокард инфаркт билан хасталанган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг нейрогуморал омиллари мия натрий уретик пептиди (МНУП) ва альдостерон (Ал) даражалари билан ўзаро боғлиқлигини асослашдан иборат. Миокард инфарктада юрак диастолик фаолиятини эрта ташхислаш қилиш мезонларини такомиллаштириш, уларни ҳисобга олган ҳолда касаллик тараққий этиши ва кечишини башорталаш, чап қоринча диастолик дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда миокард инфаркти билан хастланган дифференциал фармакотерапиясига замонавий ёндашувларни оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида юрак қон томир тизими касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори

¹ ЖССТнинг 2019 йилги ҳисоботлари

² Нагаева Г.А., Мамутов Р.Ш., Абидова Д.Э., Аминов А.А., Алиева З.Х., Мун О.Р. Структура сердечно-сосудистой патологии на догоспитальном и стационарных этапах (фрагмент исследования РОКСИМ-УЗ). Кардиология, 2016; 1-2: 42-47

технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида соматик касалликларни камайтириш, аҳоли орасида миокард инфаркти касаллигини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миокард инфарктада патогенетик механизмларини ўрганишга ва даволашни оптималлаштиришга кўпгина олимларнинг ишлари бағишланган (Braunwald E. et al., 2014; Roffi M. et al., 2017; Руда М.Я., 2015; Бойцов С.А., 2018). МИ шаклланишида симпато-адренал ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизимлар фаоллигининг ортишига муҳим аҳамият берилади, бу тизимларнинг фаоллашуви миокард дисфункцияси, жумладан, диастолик дисфункция ривожланишида асосий омил ҳисобланади (Patrono C. et al., 2017; Mueller Ch. et al., 2017; Марцевич С.Ю. ва ҳаммуал., 2019; Терещенко С.П. ва ҳаммуал., 2019). Ремоделланиш жараёнлари тараққий этиши натижасида касаллик ёмонлашуви ва тараққий этиши, нохуш прогноз ривожланиши хавфи ортади.

МИда ремоделланиш жараёнлари механизмлари ўрганилди ва даволашда дори препаратларини танлашга ёндашувлар ишлаб чиқилди. МИ терапиясининг замонавий тамойиллари касалликнинг мураккаб ва кўп компонентли генезини ҳисобга олган ҳолда нейрогуморал тизимни ва юрак-қон томир тизим ремоделланиши жараёнларини қамал қилишга таъсир қилишга асосланган (Montalescot G. et al., 2014; Inamdar A.A., 2016; Карпов Ю.А., 2014; Гиляревский С.Р. ва ҳаммуал., 2017). МИ ни даволашда кўпгина

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

дори воситаларининг қиёсий самарадорлиги баҳоланган. МИни ташхислаш ва даволашга бағишланган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилганда касаллик клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини, чап қоринча миокарди дисфункцияси шаклларини ва нейрогуморал кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли натижаларни ўрганиш бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарур.

Ўзбекистонда миокард инфаркти муаммоси бўйича Р.Д.Курбанов, А.Г.Никишин, Д.А.Алимов, Н.П.Юлдашев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бундан аввалроқ чап қоринчанинг эрта постинфаркт ремоделланишида нейрогуморал омиллар ўрни, эндоваскуляр аралашувларнинг МИ башоратлаш ва кечишида самарадорлиги баҳоланган. МИ ўтказган беморларда ЧҚ диастолик функцияси бузилишининг прогностик аҳамиятини ўрганиш касалликнинг нохуш кечишини прогноз қилишга, касаллик клиник кечишини ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга, самарали даволаш тактикасини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён қилинганларни инобатга олган ҳолда, юрак диастолик дисфункцияси кўрастичларини, касалликнинг клиник хусусиятларини ва нохуш прогностик омилларни ҳисобга олган ҳолда, МИ ўтказган беморлар фармакотерапиясини оптималлаштириш замонавий кардиологиянинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти АДСС 13-1 сонли «Трансмурал миокард инфаркти ўткирости босқичидаги беморларда тўсатдан юрак ўлимини ва бошқа ҳаётга хавф солувчи асоратларни бирламчи ва иккиламчи профилактика қилиш услубларини такомиллаштириш. Турли шаклдаги бўлмачалар фибрилляциясида ва юрак ритмининг бошқа бузилишларида антиаритмик ва антикоагулянт терапияни оптималлаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида (2014-2018й) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миокард инфаркти билан хасталанган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг касаллик клиник кечиши ва башоратлаш билан ўзаро боғлиқлигини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЎМИ бўлган беморларда ЧҚ диастолик дисфункциясининг частотаси ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

ЧҚ диастолик функциясининг касаллик клиник кечиши оғирлиги ва ЎМИ асоратлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

ЎМИ ўтказган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг нейрогуморал омиллар – МНУП ва Ал даражалари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

узоқ муддатли комплексли терапия фониди ЧҚ диастолик дисфункцияга боғлиқ ҳолда прогноз динамикасининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йиллар давомида ўткир миокард инфаркти билан хасталанган 216 нафар беморлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида асосий биокимёвий кўрсаткичлар, мия натрийуретик пептиди ва альдостерон миқдорларини иммунофермент таҳлил ўтказиш учун веноз қон ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, иммунофермент ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак диастолик дисфункцияси типлари, ифодаланганлиги даражаси ҳамда миокард инфарктининг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари ўртасида ўзаро боғлиқлик асосланган;

ЧҚДД оғирлиги ифодаланганлиги ва потенциал хавfli қоринчалар аритмияси (ҚА) аниқланиши ўртасида ўзаро боғлиқлиги исботланган;

мия натрийуретик пептид ортиши даражаси ва миокард инфарктнинг клиник кечиши ўзига хос хусусиятлари ҳамда чап қоринча диастолик дисфункцияси типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик исботланган;

миокард инфаркт билан хасталанган беморларнинг фармакотерапияга мойиллигини ҳисобга олган ҳолда ЧҚДД тараққий этиши клиник-функционал прогностик мезонлари динамикаси очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак диастолик ва систолик функцияларини, клиник ҳолат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда МИ кечишини эрта башоратлаш услублари ишлаб чиқилган;

юрак диастолик дисфункцияси типларини, беморларнинг клиник ҳолати кўрсаткичларини ва нейрогуморал тизим ҳолатини аниқлаш мезонлари асосида МИ асоратларини профилактика қилиш тадбирлари оптималлаштирилган;

патогенетик механизмлар ва прогностик маркерларни ҳисобга олган ҳолда МИни даволашга ёндашувлар оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, функционал, биокимёвий ва иммунофермент ва статистик усуллар асосида ўткир миокард инфаркт билан касалланган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг клиник-прогностик аҳамияти асослашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чап қоринча диастолик дисфункцияси типларини эрта ташхислашдаги ўрни, МИда касаллик клиник кечиши ва юрак ремоделланиши жараёнларида муҳим ўринга эга нейрогуморал омиллар ортиши даражасини ва патогенетик терапия самарадорлигини баҳолашга муҳим ҳисса қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МИ ли беморларда чап қоринча диастолик дисфункциясини эрта баҳолашдан, юрак-қон томир хавфи

ва асоратлари ривожланишини ўз вақтида башоратлаш, даволашни оптималлаштириш услубини ишлаб чиқиш, беморларда даволаш самарадорлиги ортиши ва касаллик клиник кечиши ва прогнозининг яхшиланиши, асоратлар ривожланиши олдини олиш ва шифохонада қайта даволанишлар сонининг камайиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир миокард инфаркт билан касалланган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг клиник-прогностик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Чап қоринча диастолик функциясини баҳолаш ёрдамида ўтказилган миокард инфаркти оқибатларини прогноз қилишни оптималлаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №8н-з/55-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома миокард инфаркт билан хасталанган беморларда чап қоринча диастолик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда охириги нуқталарни башоратлашга имкон берган;

Ўткир миокард инфаркт билан касалланган беморларда чап қоринча диастолик функциясининг клиник-прогностик баҳолаш ва даволаш оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари кардиологик диспансерлар амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №8н-з/55-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши миокард инфаркт билан хасталанган беморларда касалликнинг нохуш кечиши ва башоратини эрта ташхислаш, даволаш тартибини оптималлаштириш, касалликнинг клиник кечишини яхшилаш ва шифохонада бўлиш даврини 1,3 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологияларни устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиғи, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўткир миокард инфарктнинг диастолик фаолиятини клиник-прогностик баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзунинг асосий аҳамиятини ёритишда хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг замонавий натижалари баён қилинган. Ушбу бобда миокард инфарктда ЧҚДД тарқалганлиги, ЧҚДД ривожланиши патогенези, уни ташхислаш усуллари ва прогностик аҳамияти бўйича маълумотлар келтирилган. Мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ўткир миокард инфарктнинг диастолик фаолиятини клиник-прогностик баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, материаллар хажми ва беморларнинг тавсифномаси, баҳолаш усуллари баён қилинган. Тадқиқотга эркак жинсига мансуб кўпи билан 10 кун аввал даврда бирламчи Q-тишчали МИ ўтказган 216 нафар бемор киритилди. Ташхис ЖССТ мезонлари асосида қўйилди. Барча беморлар баённома билан таништирилди ва тадқиқотда иштирок этишга розилик беришди. Истисно мезонларига қуйидагилар киритилди: 60 ёшдан катта бўлган ёш; синоартериал ёки атриовентрикуляр ўтказувчанликнинг II-III даражали бузилиши; хилпилловчи аритмиянинг доимий шакли; артериал гипотензия (АБ<100/60 мм сим.уст.); ҳаёт прогнозига ёки чап қоринча ремоделланиши жараёнига мустақил таъсир этиши мумкин бўлган ёндош касалликлар (юрак нуқсонлари, оғир ва ёмон сифатли артериал гипертензия; онкологик касалликлар; ўпка, жигар, буйрак касалликлари ва ушбу аъзолар функциялари бузилишлари; оғир ёки декомпенсацияли қандли диабет; оғир анемия; қалқонсимон без касалликлари ва унинг функцияси бузилишлари); мия қон айланиши ўткир бузилишлари оқибатлари; анамнезда қон айланиши етишмовчилиги симптомлари. ЎМИ нинг стационар босқичида даволаш ST сегменти элевацияси бўлган МИ ли беморларни юритиш бўйича тавсияларга мувофиқ амалга оширилди (2017 ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation, 2017) ва унинг ичига кўрсатмаларга кўра тромболитик терапия, бета-адреноблокаторларни, антиагрегантларни, анткоагулянтларни, шунингдек, нитратларни (жумладан томир ичига), гиполлипидемик воситаларни, АЎФ ингибиторларини, ҳалқали диуретикларни эрта тайинлаш киритилди.

Тадқиқот режасига мувофиқ якуний таҳлилга МИ бошлангандан олти ой ичида клиник оқибатлар: ўлим, қайта нофатал МИ; юрак етишмовчилиги белгиларининг пайдо бўлиши ёки тараққий этиши, госпитализация талаб

этган ЮИК дестабилизацияси ривожланган беморлар маълумотлари киритилди. Назорат гуруҳини эркак жинсига мансуб, ёши таққослама бўлган 54 нафар соғлом ихтиёрий розилик берган шахслар ташкил қилди. Беморларнинг бирламчи текшируви ЎМИ нинг 10-14 суткасида ўтказилди. Текширувлар нитратлар, антиагрегантлар, статинлар, АЎФи, АТ-II рецепторлар блокаторлари, диуретиклар қабул қилиш фонидида ўтказилди. Кузатувнинг охирида тиббий маълумотни йиғиш чақирув ва қайта текширув йўли билан амалга оширилди, бунда ЧҚДД, аритмия динамикаси ва беморлар ҳаёти прогнози таҳлил қилинди. Кузатув даврида беморда мавжуд касаллик ва аритмиянинг таракқий этиши, касалликнинг оғирроқ шаклига ўтиши кузатилмаса, ижобий ҳол деб ҳисобланди. Ўлим оқибати кузатилган ҳолларда беморнинг қариндошлари ёки унинг ўлими гувоҳлари билан суҳбат ўтказилди.

Беморларнинг нейрогуморал статуси қон зардобидидаги мия натрийуретик пептиди аминотерминал қисми концентрацияси (NT-pro BNP) ва Ал миқдори бўйича ўрганилди. ЧҚ тузилма-функционал ҳолати ва ПИР жараёни эхокардиография (ЭхоКГ) услуби ёрдамида баҳоланди. Юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолати, юрак ритми бузилишларининг сифатли ва миқдорий тавсифномаси тредмил-синама ва ЭКГ ни Холтер мониторинг ёрдамида ўрганилди.

Маълумотларнинг математик ишлови STATISTICA-6,0 дастурий пакети ёрдамида ўтказилди. Рақамли маълумотлар $M \pm m$ кўринишда тақдим этилган, бунда M – ўртача арифметик сон, m – ўртача арифметик соннинг стандарт хатоси. Иккита гуруҳда миқдорий ўзгарувчанларнинг гуруҳлар ўртасидидаги фарқлари Стъудентнинг t мезони ёки Колмогоров-Смирновнинг интеграл нопараметрик синамаси қўлланган ҳолда ўтказилди. Такрорий ўлчашларни таҳлил қилиш учун Стъудентнинг жуфтли мезонидан фойдаланилди. Таққосланаётган мустақил ва номустақил танловлар ўртача қийматлари ўртасидидаги фарқларни баҳолаш учун «ANOVA» бир омилли таҳлил қўлланилди. Гуруҳларни сифат белгилари бўйича таққосланганда χ^2 мезони, шунингдек, Мак-Нимара мезони ёки Фишер мезонидан фойдаланилди. Миқдорий ўзгарувчанлар ўртасидидаги боғлиқликни ўрганиш учун Пирсоннинг чизикли корреляция коэффициенти (ва тенглама ҳамда тўғри регрессия тузилган ҳолда) ёки Спирменнинг даража корреляцияси коэффициенти ҳисоблаб чиқарилган ҳолда корреляцион таҳлил қўлланилди. Фарқлар ва ўзгаришлар аҳамиятлилик даражаси ($p < 0,05$) бўлганда ишончли, деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Ўткир миокард инфарктининг диастолик фаолиятини клиник-прогностик баҳолаш натижалари»** деб номланган учинчи боби 3 та кичик бобчалардан иборат. Биринчи кичик бўлими чап қоринча диастолик функцияси кўрсаткичларини касалликнинг клиник кечиши ва юрак ремоделланиши билан боғлиқликда баҳолашга қаратилган бўлиб, ЎМИ ўтказган беморларда диастолик функциянинг меъёрий кўрсаткичлари 36 нафар беморда (16,7%) қайд этилди. МИ жойлашишига кўра диастолик функциянинг бузилиш типларини таҳлили кўрсатишича, МИ

олдинги жойлашувида диастолик функция бузилиши 98 (55%), МИ орқа ва пастки жойлашувида эса ЧҚДД 82 (45%) нафар беморда кузатилди. Некротик жараённинг локализациясига кўра ЧҚДД типлари учраши таҳлилида аниқландики, I тип ЧҚДД орқа локализацияда олдинги локализацияга нисбатан ишончли равишда кўпроқ учраган (84% 59,1% га қарши, $\chi^2 = 13,4$; $p=0,001$), ЧҚДД нинг оғирроқ даражалари эса МИ нинг олдинги локализациясида кузатилган. II тип ЧҚДД олдинги локализацияда 28,5% беморда, орқа локализацияда эса – 12,2% беморда (28,5% 12,2% га қарши, $\chi^2=7,18$; $p=0,008$), ЧҚДД рестриктив типи олдинги ва орқа локализацияда мувофиқ равишда 12,2% ва 3,7% беморда қайд этилди ($\chi^2 = 4,3$; $p=0,03$). ЧҚ диастолик функцияси бузилишлари диастоланинг ҳам тезлик, ҳам вақтли кўрсаткичларини қамраб олди. Текширилган беморларда ЧҚ нинг эрта тўлиши максимал тезлиги кўрсаткичи (E) ўзгариши, ЧҚ изоволюметрик бўшашиш вақти (IVRT) нинг ва ЧҚ эрта тўлиши фазасида оқим тезлиги секинлашуви вақти (DT, мс) нинг ишончли камайиши МИ локализацияси билан шартланади. Кўрсаткичларнинг МИ локализациясига боғлиқлигини таҳлил қилиш кўрсатдики, олдинги локализацияли беморларда ЧҚ эрта тўлиш максимал тезлиги E $73,7 \pm 2,9$ м/с ни ва орқа локализацияли беморларда $68,8 \pm 3,2$ ни ташкил қилди. ЧҚ изоволюметрик бўшашиш вақти - IVRT мувофиқ равишда $92,3 \pm 10,41$ ва $85,12 \pm 12,38$ мс ни ташкил қилди (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

МИ турли локализациясида беморларда ЧҚДД кўрсаткичлари (M±SD)

Кўрсаткичлар	Умумий, n=216	Олд томонда, n=115	Орқа томонда n=101	P2;3
E	0,728±0,024	0,737±0,029	0,688±0,032	<0,01
A	0,625±0,022	0,657±0,023	0,660±0,031	>0,05
E/A (ш.б.)	1,25±0,24	1,20±0,08	1,31±0,26	<0,05
IVRT, мс	96,7±1,19	92,3±10,41	85,12±12,38	<0,05
DT, мс	181,1±32,9	197,5±31,22	183,0±35,7	>0,05

Q-ИМ нинг 10-14 кунда бажарилган эхокардиографияда аниқландики, ЧҚ систолик дисфункцияси (ОФ<40%) 18 та (8,3%) беморда қайд этилди, 79 та (36,6%) беморда эса «кулранг зона» (ОФ=40-50%) кузатилди. Қолган 119 нафар (55,1%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юқори бўлди. Бунда ҳажмли кўрсаткичлар – диастолик дисфункциянинг рестриктив типли ЧҚ охирги-диастолик ва охирги-систолик ҳажмлари ортишида корреляцион боғлиқлик аниқланди. Ремоделланиш кўрсаткичларини таҳлил қилганда аниқландики, ЎМИ ўтказган 32 нафар (72,7%) беморда ремоделланишнинг концентрик типи, 27,3% беморда ЧҚ нинг концентрик гипертрофияси ва 67 та (60,0%) беморда ремоделланишнинг эксцентрик типи устунлик қилган. Шунингдек, олдинги локализациядаги МИ нинг ЧҚ ремоделланиши эксцентрик типи ва ЧҚДД рестриктив типи билан шартланиши аниқланди.

ЧҚДД ли барча беморлар ОФ даражасига кўра 3 та гуруҳга ажратилди: I гуруҳ (n=18) – ОФ 40%дан паст, II гуруҳ (n=79) – ОФ 40% - 49%, III гуруҳ (n=83) ОФ $\geq 50\%$.

Индексли ходисагача АГ билан касалланиш даражасини ўрганиш кўрсатдики, I ва II гуруҳ беморлари ОФ сақланган беморларга нисбатан АГ билан кўпроқ касалланганлар. ОФ 40% дан паст ва ОФ 40%-49% беморларнинг мувофиқ равишда 100%и ва 88,6%и анамнезда АГ га эга бўлганлар, ОФ сақланган беморлар гуруҳида эса МИ гача АГ билан 72,3% бемор касалланган. Шунингдек, ОФ чегарада бўлган ва пасайган беморларда МИ ривожланишигача АГ ва ЮИК нинг биргаликда келиши муносабатида ишончли фарқлар аниқланган бўлиб, у мувофиқ равишда 76% ва 83,3% ни ташкил қилди, ОФ сақланган гуруҳда эса ЮИК ва ГК билан фақат 44,6% бемор хасталанган.

Кетле индексини баҳолашда ҳам таққосланаётган гуруҳлар орасида ишончли фарқлар аниқланди. ОФ паст ва чегарада бўлган гуруҳлар ОФ сақланган гуруҳдан ишончли равишда фарқланди. ОФ 40% дан паст гуруҳда семизлик 61% беморда, ОФ 40%-49% бўлган гуруҳда 43 беморда (54,4%), ОФ $\geq 50\%$ бўлган гуруҳда эса 29 та (35%) беморда қайд этилди.

Таққосланаётган гуруҳларда жисмоний зўриқишга толерантликни таҳлил қилиш кўрсатдики, олти дақиқали пиёда юриш синамаси (ОДПЮС) да босиб ўтилган масофа ОФ 40% дан паст гуруҳда $150 \pm 23,3$ метрни, ОФ 40%-49% бўлган гуруҳда $285 \pm 13,6$ метрни ва ОФ сақланган гуруҳда $310 \pm 18,9$ метрни ташкил қилди.

Борг шкаласи бўйича ҳансирашни баҳолашда аниқландики, гуруҳлар ифодаланганлик даражаси бўйича ишончли равишда фарқланди. ОФ сақланган гуруҳда ҳансираш ифодаланганлиги $2,98 \pm 0,5$ баллни ташкил қилиб, бу ўрта оғирликдаги ҳансирашга мувофиқ келади, ОФ 40%-49% бўлган гуруҳда ҳансираш кучли ифодаланган бўлиб, $6,0 \pm 1,2$ баллни ташкил қилди, ОФ 40% дан паст гуруҳда эса ҳансираш жуда кучли ифодаланган бўлиб, $8,9 \pm 1,1$ баллдан иборат бўлди.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш шкаласи (ХСБШ) бўйича клиник ҳолатини баҳолаш беморлар клиник ҳолати оғирлиги ва систолик функция ўртасидаги ишончли ўзаро боғлиқликни кўрсатди. ОФ 40% дан паст гуруҳда ХСБШ шкаласи бўйича $8,4 \pm 0,9$ баллни, ОФ 40%-49% бўлган гуруҳда $4,7 \pm 1,45$ баллни, ОФ сақланган гуруҳда эса $2,1 \pm 0,25$ баллни ташкил қилди.

ЧҚ ОФ га кўра ЧҚДД типларининг тақсимланишини ўрганиш кўрсатдики, сақланган ОФ, шунингдек, чегарада бўлган ОФ I тип ЧҚДД (мувофиқ равишда 100% ва 58,2%) билан, паст ЧҚ ОФ эса ишончли равишда рестриктив типдаги ЧҚДД билан шартланди.

ОФ сақланган ва ЧҚДД мавжуд бўлган ёки бўлмаган беморларда клиник-анамнестик фарқларни таққослаганда аниқландики, ЧҚДД бўлмаган беморлар кичикроқ ёш ($39,1 \pm 3,8$ ёш $55,6 \pm 7,2$ ёшга қарши, $p < 0,05$) билан фарқландилар, улар МИ содир бўлгунгача АГ билан камроқ касалланганлар (27,7% 72,3% га қарши, $\chi^2 = 20,539$, $p = 0,0001$), анамнезида АГ ва ЮИК нинг

биргаликда учраши ЧҚДД бор беморлар гуруҳида 37 (44,6%) ҳолда, ЧҚДД бўлмаган беморларда эса 7 (19,4%) ҳолда қайд қилинган ($\chi^2=6,8$; $p=0,01$).

Ортиқча тана вазни муносабатида ишончли фарқлар кузатилди. ЧҚДД бор беморлар ЧҚДД бўлмаган беморларга нисбатан ишончли равишда кўпроқ семизлик билан хасталанганлар (35% 11,1% га қарши, $\chi^2 =7,2$; $p=0,008$).

Таққосланаётган гуруҳларда касалликнинг клиник кечишини ўрганиш систолик дисфункция йўқлигига қарамай, лекин ЧҚДД мавжудлиги туфайли СЮЕ симптомларининг ифодаланганлигини кўрсатди.

ОДПЮС натижаларининг таҳлилида аниқландики, ЧҚДД бор гуруҳ беморлари ЧҚДД йўқ бўлган гуруҳ беморларига нисбатан ишончли равишда камроқ масофани босиб ўтдилар ($310\pm 18,9$ метр $370\pm 15,6$ метрга қарши, $p=0,016$). Борг шкаласи бўйича хансирашнинг ифодаланганлигини баҳолаш ҳам ЧҚДД бор ва ЧҚДД йўқ гуруҳларда ишончли фарқларни аниқлаб берди ($2,98\pm 0,5$ балл $2,1\pm 0,3$ га қарши, $p=0,02$).

Кейинчалик ЎМИ ўтказган беморларда «кулранг соҳа» деб аталадиган когортада, яъни ОФ 40 дан 49% гача бўлган беморларда клиник-анамнестик кўрсаткичлар ва ЧҚДД типлари қиёсий баҳоланди. Бунинг учун систолик функциянинг чегара кўрсаткичлари бўлган беморлар ($n=79$) ЧҚДД оғирлигига кўра 2 та гуруҳга ажратилди: I гуруҳ – I тип ЧҚДД ли 46 та бемор, II гуруҳ II ва III тип ЧҚДД ли 33 та бемор. Таққосланаётган гуруҳларнинг қиёсий таҳлили кўрсатдики, оғир типли ЧҚДД бор беморлар АГ билан ишончли равишда кўпроқ хасталанган (81,1% 54,3% га қарши, $\chi^2 =6,44$; $p=0,012$), ушбу гуруҳда АГ ва ЮИК нинг биргаликда кузатилиши кўпроқ қайд қилинган (69,6% 39,1% га қарши, $\chi^2 =7,19$; $p=0,008$). ЧҚДД нинг оғир турлари бўлган беморлар ишончли равишда кўпроқ семизликка чалинган (57,5% 34,7% га қарши, $\chi^2=4,04$; $p=0,045$). ОДПЮС ни таҳлил қилиш кўрсатдики, ЧҚ ОФ бир хил қийматларига қарамай, синама натижалари оғир типли ЧҚДД бўлган беморларда ишончли равишда ёмонроқ бўлган. Ушбу кўрсаткич 2-3 типли ЧҚДД ли гуруҳда $285\pm 13,6$ метрни ($350\pm 19,6$ метрга қарши) ташкил қилди ($p=0,007$). Борг шкаласи бўйича хансираш даражаси оғир ЧҚДД ли гуруҳда $6,0\pm 1,2$ баллни, енгил ЧҚДД ли беморларда эса $3,10\pm 0,7$ баллни ташкил қилган. ҲСБШ шкаласи бўйича фарқлар таққосланаётган гуруҳлар ўртасида аниқланмади (2-жадвал қаранг).

2-жадвал

Диастолик дисфункциянинг турига караб чегара ОФ беморларнинг клиник-анамнестик курсаткичларнинг хусусиятлари.

	I тип (n=46)		II - III тип (n= 33)		P
	n	%	n	%	
ОФ	45±2,3		43±1,9		
АГ ЧҚГ билан	25	54,3	27	81,1	0.012
АГ+ЮИК	18	39,1	23	69,6	0.008
Семизлик	16	34,7	19	57,5	0.045
ОДПЮС	350±19,6		285±13,6		0.007984

Борг шкаласи	3,10±0,7		6,0±1,2		0,04
ШОКС	4,94±1,1		5,7±1,45		0.677
ЮХКА	17	37	18	54,5	н/д
гурухли	0		2	6,0	0,048
жуфтли	0		3	9,0	0.038
политоп	2	4,3	6	18,1	0.045

Юрак ритми бузилиши (ЮРБ) тезланиши ва мураккаблигини аниқлаш мақсадида ЭКГ ХМ ёрдамида таҳлил ўтказилди, Q-МИ нинг госпитал босқичида аритмияларнинг тезланиши ва тавсифи баҳоланди. Сифатли ёзувнинг давомийлиги 16 дан 24 соатгачани ташкил қилди ва ўртача $21,8 \pm 1,2$ соатдан иборат бўлди. Циркад индекси (ЦИ) қийматлари 1,01 дан 1,40 гача ўзгарган.

Текширилган беморларнинг 197 нафарида (91,2%) у ёки бу юрак ритми бузилишлари аниқланди. Бунда 79 (40,1%) нафар беморда қоринчалар экстрасистоллияси (ҚЭ) сони соатига 10 ҚЭ дан юқори бўлди – ушбу беморлар потенциал хавфли ҳаёт аритмиялари ПХХА тоифасига киритилди. Улар орасида кейинчалик ПХХА нинг тузилма таҳлили ўтказилди. 18 (22,8%) ҳолатда ҚЭ политоп хусусиятга эга бўлиб, 16 нафар (20,1%) ҳолда жуфтли ҚЭ лар (4а градациядаги) қайд қилинди, 8 нафар (10,1%) ҳолатда гурухли ҚЭ (4б градациядаги) кузатилди. Тез-тез қоринча усти экстрасистолияси 82 нафар (37,9%) беморда ва қоринча усти тахикардиясининг қисқа «югуришлари» 18 нафар (8,3%) беморда қайд этилди.

ЧҚДД га боғлиқ ЭКГ мониторинг кўрсаткичларини ўрганиш қоринча экстрасистолияларининг суткалик сони ЧҚДД III типиди ишончли равишда кўпроқ учраганини аниқлаган. ПХХА тўсатдан ўлим (ТЎ) нинг мустақил предиктори эканлиги ҳақиқатини эътиборга олган ҳолда, кейинчалик биз ЧҚДД таҳлили ўтказдик, бунда ПХХА бўлган беморлар гуруҳида ЧҚДД II ва III типлари устунлик қилган, ҚА кам учраган беморлар гуруҳидаги 22% ва 13,1% га қарши мос равишда 41,7% ва 33% ни ташкил қилган.

Диастолик дисфункция кўрсаткичи даражаси бўйича гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқлар бўлмастлигига қарамай, систолик функция ва миокард ремоделланиш кўрсаткичлари ПХХА билан ассоциацияланган статистик аҳамиятли анча яққол бузилишларга эга.

Бошланғич ОФ га боғлиқ ҚА тузилишининг таҳлили кўрсатишича, паст (50% дан кам) ОФ ли 40 бемордан 25 (80,6%) ҳолатда ПХХА кузатилган, бунда ушбу беморлар орасида инфарктдан кейинги эрта стенокардия (ИКЭС) 2 марта кўпроқ (33% ва 16,6%) ва Killip бўйича ЎЮЕ 4 марта кўпроқ (мос равишда 66,7 ва 16,6% учраган). ОФ кўрсаткичининг 50% дан ортиқ бўлган қийматлари учун клиник-гемодинамик кўрсаткичлар орасида статистик аҳамиятга эга фарқлар аниқланмаган.

Шундай қилиб, ЎМИ беморларида диастолик функция бузилишлари 83,3% ҳолатларда аниқланган: I тип (секинлашган релаксация) 127 та (58,8%), II тип (псевдонормал) 37 (17,1%), III тип (рестриктив) – 16 нафар

(7,4%) беморда қайд этилди. ЎМИ беморларида ЧҚДД яққоллиги билан чап қоринча қисқариш қобилияти пасайиши орасида корреляция аниқланган. ЧҚДД II ва III типи олдинги МИ ва ОФ пасайган беморларда ишончли тез-тез учраган. Миокард инфаркти олдинги локализацияси билан чап қоринча ремоделланиши эксцентрик типи ва чап қоринча диастолик дисфункцияси III типи орасида боғлиқлик аниқланган. ЎМИ беморларида ЧҚДД яққоллиги билан миокард инфаркти ўткир фазаси - ПХХА да асоратлар ривожланиши, СЮЕ ривожланиши орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. ЎМИ бўлган беморларда ритм энг оғир бузилиши олдинги локализацияли ва ЧҚДД чегараланган типи ҳамда чап қоринча систолик функцияси пасайган беморларда аниқланган (отилиш фракцияси <40%).

Учинчи бобнинг «**МИ ўтказган беморларда чап қоринча диастолик функцияси билан ўзаро боғлиқликдаги нейрогуморал омилларни баҳолаш**» деб номланган иккинчи бўлимида кўрсатилишича, МИ бўлган беморларда МНУП ва Ал миқдорининг ортиши билан тавсифланувчи нейрогуморал омилларнинг фаоллашуви қайд этилган. Аниқланишича, ЎМИ нинг 7-қунида соғлом шахслар кўрсаткичларидан мия натрий уретик пептиди (МНУП) даражаси 3,2 мартага ва Ал даражаси 1,2 мартага ортди.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили кўрсатишича, МИ бўлган беморларда МНУП ва Ал миқдори ошиши билан тавсифланувчи нейрогуморал омиллар фаоллашуви қайд этилган.

МИ бўлган беморларда МНУП кўрсаткичи катта вариабелликка эга бўлганини эътиборга олиб, биз МНУП тақсимланишининг гистограммаларини туздик. 3 нафар беморда паст (≥ 400 фмоль/мл), 4 нафар беморда ўртача-паст (400-600 фмоль/мл), 44 нафар беморда ўрта (600-800 фмоль/мл), 23 нафар беморда ўртача-юқори (800-1000 фмоль/мл) ва 6 нафар беморда юқори қийматлари (≥ 1000 фмоль/мл) бўлган. МНУП даражаси бўйича беморлар тақсимланишида беморнинг кўп қисми ўрта ва ўртача-юқори қийматлари интервалида бўлди.

Ал қийматлари бўйича Ал даражасини таҳлили учун биз Ал нинг плазмадаги концентрациясининг паст (≤ 50 пг/мл), ўртача-паст ($\geq 50 \leq 100$ пг/мл), ўрта ($\geq 100 \leq 150$ пг/мл), ўртача-юқори ($\geq 150 \leq 200$ пг/мл) ва юқори (≥ 200 пг/мл) қийматларига ажратдик. Бизнинг тадқиқотимизда 44 нафар (55%) бемор ўртача-юқори, 36 нафари (45%) эса Ал нинг юқори қийматига эга бўлдилар.

МИ локализациясига кўра беморлар қон плазмасида МНУП миқдорини таҳлили ушбу кўрсаткичларнинг тебранишларини ҳисобга олган ҳолда гормонлар даражаси бўйича медиананинг кичик қийматлари (ўртача-юқори даража) ва медиананинг катта қийматлари (юқори даража) чегарасида текширилаётган беморларнинг тақсимланиши ўрганилди.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, олдинги локализациядаги МИ ўтказган беморларда нейрогормонларнинг юқори қийматлари, орқа локализациядаги МИ ли беморларда эса нейрогуморал омилларнинг ўртача қийматлари устунлик қилди. Бунда олдинги локализациядаги МИ ўтказган

беморларда МНУП даражаси $933,6 \pm 94,1$ фмоль/мл ни ва Ал $373,4 \pm 49,5$ пг/мл ни ташкил қилди.

Биз томондан ЧҚ диастолик функцияси бузилишларига кўра нейрогормонлар даражасининг ўзаро боғлиқлиги таҳлили ўтказилди. Қон плазмасидаги МНУП ва Ал миқдорининг ишончли равишда ортиши кузатилди, у ЧҚДД типи билан ассоцирланган: назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ЧҚДД I типи бўлган беморларда МНУП ва Ал миқдори мос равишда 48,9% ни ($p < 0,001$) ва 59,2% ни ($p < 0,001$), II типли беморларда 62,6% ($p < 0,001$) ва 84,3% ни ($p < 0,001$), III типли беморларда эса 81,3% ни ($p < 0,001$) ва 124,6% ни ($p < 0,001$) ташкил қилди.

МИ ўтказган беморларда нейрогуморал омилларнинг ишончли ортиши ЧҚ диастолик дисфункцияси билан ассоцирланди: ЧҚДД нинг псевдонормал ва рестриктив типлари бўлган беморларда нейрогормонлар МНУП ва Ал даражаларининг юқори даражада ортиши устунлик қилиши қайд этилди.

Беморларнинг нейрогормонал тавсифларини миокарднинг дастлабки қисқарувчанлик қобиляти билан боғлиқликда баҳолаш мақсадида беморлар 2 та гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – $ОФ < 50\%$ ва 2-гуруҳ – $ОФ \geq 50\%$.

Шуни қайд этиш зарурки, $ОФ < 50\%$ бўлган беморлар 65% ҳолатларда МНУП нинг ўртача юқори ва юқори қийматларига эга бўлди (мос равишда 45% ва 20%), ушбу кўрсаткичнинг ўрта қийматлари эса (35%) беморда аниқланди. $ОФ \geq 50\%$ бўлган беморлар 65% ҳолатларда МНУП нинг ўрта қийматларини кўрсатдилар, 4 та (10%) беморда эса ушбу кўрсаткичнинг ўртача юқори қийматлари қайд қилинди.

Аммо 4 (10%) ва 6 (15%) беморларда мос равишда МНУП нинг паст ва ўрта-паст даражалари аниқланди. $ОФ \geq 50\%$ ли беморларда ҳеч бир ҳолатда МНУП юқори қийматлари кузатилмади. МНУП қийматларининг ўрта, ўртача юқори ва юқори қийматлари дастлаб миокард қисқарувчанлик қобиляти паст бўлган беморлар гуруҳида ишончли тез-тез кузатилди.

Кейинчалик қон плазмасидаги Ал миқдорининг қиёсий таҳлили ўтказилди, бунда I гуруҳда 19 беморда ўрта-юқори қийматлар, қолган 21 беморда Ал юқори қийматлари, II гуруҳда эса ўрта-юқори қийматлари устунлик қилди (мос равишда 77,5% ва 22,5%). Қиёсланаётган гуруҳлар орасида фарқлар ишончли характерга эга бўлди.

Беморларнинг клиник тавсифномасининг таққосланаётган гуруҳларда таҳлили кўрсатдики, биринчи гуруҳнинг 31 нафар беморида ЎМИ олдинги локализацияси аниқланган (77,5% 22,5% га қарши, $\chi^2 = 12,800$, $p < 0,001$). Биринчи гуруҳ беморларининг аксарияти анамнезида инфарктдан олдинги стенокардияга эга бўлган (65% 32,5% га қарши, $\chi^2 = 20,833$ $p < 0,001$). Бундан ташқари миокард қисқарувчанлиги пасайган беморларда ЎМИ нинг ўткир ва ўткирости даврида асоратлар ривожланиши кўпроқ кузатилди: биринчи гуруҳда аневризма 14 та ҳолатда ўз ўрнига эга бўлган бўлса, иккинчи гуруҳда у 3 ҳолда ЎМИ кечишини асоратлади (35% 7,5% га қарши, $\chi^2 = 9,038$, $p = 0,003$). $ОФ$ билан юқори тесқари корреляция (мос равишда $r = -0,71$, $r = -0,63$) ва ЧҚ ОДХ (мувофиқ равишда $r = 0,59$, $r = 0,62$) ҳамда ЧҚ нинг эрта тез тўлиши

максимал тезлиги кўрсаткичи – E билан тўғри корреляция ($r=0,62$; $r=0,72$) аниқланди.

Эрта инфарктдан кейинги давр асоратлари ривожланиши сонининг МНУП ва альдостерон даражасига боғлиқ ҳолда ЎМИ нинг локализацияси билан дастлабки нейрогормонал тавсифномаси билан ўзаро боғлиқликдаги таҳлилда қуйидаги натижалар олинди: бирча ўрганилаётган кичик гуруҳларда МНУП нинг ўрта ва ўртача юқори қийматлари ҳамда альдостероннинг юқори даражаси аниқланди, бироқ, кичик гуруҳларда ЎМИ локализациясига кўра фарқлар кузатилди. Демак, аневризма ривожланиши ЎМИ олдинги локализацияси бўлган беморларда орқа ЎМИ га нисбатан 3 марта кўпроқ қайд қилинди. ЎМИ олдинги локализацияли беморларда МНУП ва Ал даражалари ишончли ёмон кўрсаткичлари кузатилди. ЎЮЕ белгилари беморларда МНУП нинг ўртача юқори қийматлари билан тавсифланади, бунда ушбу асорат ЎМИ олдинги локализацияси бор беморларда 2,3 марта кўпроқ ривожланади. ИКЭС олдинги ва орқа локализациядаги ЎМИ гуруҳларида бир хил частотада ривожланди.

